

**КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ
МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШ АҲАМИЯТИ ВА ЗАРУРЛИГИ**

Нуритдинов Жавлонбек Исакалиевич

Тошкент Кимё ҳалқаро университети магистранти

E-mail nuritdinovzavlonbek@gmail.com

Аннотация: *мақола кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурсларини самарали бошқаришига бағишланган бўлиб, унда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурсларини самарали бошқаришни таъминлаш ва молиявий- иқтисодий барқарорлигини ошириш учун илмий, назарий ва амалий асослар келтирилган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурсларини самарали бошқаришни усуллари ва сиёсати келтирилган бўлиб, молиявий- иқтисодий барқарорлигини таъминлаш бўйича таклифлар келтирилган.*

Калит сўзлар: *кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, молиявий барқарорлик, кичик бизнес субъекти, молиявий ресурслар, венчур капитали, банк иши, инвестициялар, молиявий таҳлил, суғурта, солиқлар, инвестиция муҳити, имтиёзлар, иқтисодиёт барқарорлик, факторинг, лизинг, кредит.*

**THE IMPORTANCE AND NECESSITY OF MANAGING THE FINANCIAL
RESOURCES OF SMALL BUSINESSES AND PRIVATE BUSINESSES**

Nuritdinov Javlonbek Isakalievich

Master of the Tashkent International University named after Kimyo

Abstract: *makola is dedicated to the effective management of the financial resources of small businesses and private businesses, providing scientific, theoretical and practical foundations for ensuring the effective management of the financial resources of small businesses and private businesses and increasing their financial and economic stability. Methods and policies for the effective management of financial resources of small businesses and private businesses are presented, and proposals for ensuring their financial and economic stability are presented*

Keywords: *small business, private enterprise, financial stability, small business entity, financial resources, venture capital, banking, investments, financial analysis, insurance, taxes, investment climate, preferences, iqtisodiy barqarorlik, faktoring, lizing, kredit.*

Ўзбекистон Республикаси президентининг “2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” фармонида: “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва доимий даромад

манбаларини шакллантириш учун шароитлар яратиш, хусусий секторнинг Ялпи ички маҳсулотдаги улушини 80 фоизга ва экспортдаги улушини 60 фоизга етказиш” [1] вазифаси белгиланган. Унга кўра кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурсларини таъминлаш мақсадида илғор хорижий тажриба асосида факторинг амалиётини ривожлантириш ва 2026 йилга бориб тадбиркорлик субъектларига солиқ юкмасини ялпи ички маҳсулотнинг 27,5 фоизидан 25 фоизи даражасига камайтирилиши белгилаб ўтилган.

Худудларда тадбиркорликни қўллаб-қувватлашланиши орқали ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш имкониятлари мавжуд бўлади, бу эса ўз навбатида кичик бизнес субъектлари фаолиятини иқтисодий аҳамиятини янада оширади.

Кичик бизнес субъектлари фаолияти улар ихтиёридаги иқтисодий аҳамиятга молик ресурслар билан белгиланади. Ресурснинг иқтисодий аҳамияти унинг корхона фаолияти натижаларига бевосита ёки билвосита таъсири билан белгиланади. Энг биринчи қадамда корхонанинг молиявий ресурслари корхона фаолиятига киритилаётган пул капитали сифатида қаралади. Корхона фаолияти дастлабки бошланишида капитал пул кўринишдан бошқа кўринишларда ҳам киритилиши мумкин, масалан моддий куринишга эга бўлган капитал шаклида. Лекин улар ҳам пул кўринишига келтирилган ҳолда олиб қаралади. Бозор иқтисодиёти моҳияти шундаки, тадбиркорларнинг капитали ўз ҳаракатини пул кўринишида бошлайди ва пул кўринишида яқунлайди, натижалар ҳам пулда ифодаланади[2].

Кўриниб турибдики, ҳар қандай корхона фаолияти молиявий мазмун касб этади. Аслида молиявий мазмун корхона олиб бораётган ҳар бир хўжалик операциясига ҳам хос бўлади, истиснолар мавжуд эмас. Бу албатта бозор иқтисодиёти моҳиятидан келиб чиқади. Иқтисодий натижаларнинг энг умумлашган ифодаси молиявий натижалардир. Шундай қилиб, корхона фаолиятида молиявий ресурслар бошқа ресурсларга айланади. Ресурслардан фойдаланиш пировардида уларни яна пул ресурсларига, яъни молиявий ресурсларга айлантиради.

Кичик бизнес субъектининг молиявий ресурслари корхона капитали доиравий айланиши нуқтаи назаридан ўз капитали ва қарзга олинган капитал сифатида шаклланади. Молиявий ресурслар корхона фаолиятини молиявий таъминлаб туришга хизмат қилади. Моддий ресурслар сотиб олинади, иш ҳақи тўланади, молиявий мажбуриятлар бажарилади. Бу борада бирон-бир узилишлар корхона фаолиятига салбий таъсир кўрсатади.

Тадбиркорлик фаолиятини молиялашнинг ташқи манбаларига: кредиторлар, инвесторлар, ижарачилар, суғурта, лизинг ва бошқа тузилмалар киради.

Бундай ресурсларни жалб қилиш ва улардан фойдаланишнинг тадбиркор учун муҳим жиҳатлари қуйидагилар ҳисобланади[3]:

- ресурсларнинг ҳар бир турига нисбатан ўз эҳтиёжини тўғри аниқлаш;
- самарали манбаларни танлаш;
- ўзига маъқул шаклларда ва шартларда олиш;
- замонавий илғор вариантларини танлаш;
- таъминотнинг узлуксизлиги ва давомийлигига эришиш;
- улардан ўз фаолиятида самарали фойдаланиш.

Шуни алоҳида айтиб утиш керак, давлат томонидан кичик бизнес субъектларини қўллаб қувватлашга, айниқса пандемия шароитида, солиқ буйича берилган имтиёзлар ва ажратилган маблағлар катта эътиборга лойиқдир. Давлат томонидан турли хил жамғармалар тузилиб, улар фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилар ҳисобланади:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда, аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш соҳасида давлат сиёсатини амалга оширишда кўмаклашиш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали иш ўринлари яратишга имкон берадиган давлат тармоқ ва ҳудудий дастурлари, лойиҳалар ҳамда тадбирларни амалга оширишда иштирок этиш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инновацион фаолиятини қўллаб-қувватлаш, янги турдаги маҳсулотлар яратиш ва ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, шунингдек, ишлаб чиқариш фаолиятига самарали янги технологияларни жорий этишга кўмаклашиш;
- илмий-тадқиқот муассасалари билан биргаликда республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлашни такомиллаштириш муаммоларини ўрганишга қаратилган комплекс илмий ва амалий тадқиқотларни амалга оширишни ташкил этиш.

Маълумки, бозор муносабатлари шароитида бойликнинг яратилиши ва ортиши қиймат кўринишида намоён бўлади, яъни пулда ифодаланади. Пулнинг ҳаракатланиши, неъматларнинг яратилиши ва истеъмол қилинишида пулнинг воситачилик роли ўрнини ҳеч бир бошқа восита самарали равишда боса олмайди. Шу нуқтаи назардан корхона иқтисодий ресурсларининг корхона капитали доиравий айланишида пул кўринишида майдонга чиқиши табиий ва зарур шарт бўлиб, корхона ресурслари молиявий ресурслар кўринишида ифодаланади.

Хўжалик юритиш субъекти ресурсларидан, шу жумладан, нобозор секторнинг молиялаштириш тартибига мувофиқ, уларнинг манбаи: марказий ва маҳаллий бюджет маблағлари, ҳайрия йўлида аҳолидан йиғилган маблағлар, ҳар қил хомийлар берган маблағлари, нотижорат корхона ва ташкилотлари

ўзлари ишлаб топган маблағлар, молиявий ресурсларидан фойдаланиш самарали ва мақсадга мувофиқ олиб борилиши субъектнинг молиявий-иқтисодий барқарорлигида ўз ифодасини топади. Шунинг учун мазкур категория ва жараён мазмунини тадқиқ этиш, самарали ташкил этиш кичик бизнесни бошқаришда ўта муҳим аҳамият касб этади.

Масаланинг яна бир жиҳатига эътибор қаратиш лозим. Табиатда модданинг сақланиш қонуни амал қилади (Лавуазье). Нафлилик назариясига биноан эса иқтисодиётда бошқачароқ. Бозорда товарлар алмашинуви натижасида харидор ҳам, сотувчи ҳам ўзлари учун аввалгидан кўпроқ нафлиликга эга бўлган бойликни қўлга киритадилар, яъни истеъмолчи учун реал бойлик ортади. Молиявий ресурслар ҳаракатланишида ҳам жамиятда мавжуд, лекин ҳам иқтисодий ресурсга айлана олмаётган бойликлар реал иқтисодий ресурсга айланади ва такрор ишлаб чиқариш жараёнига қатнаша бошлайди. Натижада жамиятда янги иқтисодий аҳамиятга эга бойликлар яратилади. Иқтисодий ва молиявий ресурслар ишга солинмаслиги эса жамиятдаги реал бойликнинг камайишига ҳам олиб келиши мумкин. Кичик бизнес корхонасига нисбатан буни зарар деб аталади. Кичик бизнес корхонасида мазкур жараёнлар самарали рўёбга чиқарилиши учун молиявий- иқтисодий барқарорликни таъминлаш талаб этилади.

Корхонада молиявий таъминотни бошқариш усуллари турлари ва йўналишлари 1-жадвалда ифодаланган[4].

1-жадвал

Корхонада молиявий таъминотни бошқариш йўналишлари ва усуллари

Бошқариш мақсади	Бошқарув стратегияси (маблағларни ишлатиш йўллари ва йўналишлари)	Бошқарув тактикаси (бошқарув усуллари)
I. Капитал	қўйилмаларини	бошқариш
1. Капитал қўйилмаларнинг коплаш муддатини қисқариши	1.1. Капитал қўйилмаларнинг оптимал вариантини танлаш	1.1.1. Прогнозлаштириш ва режалаштириш 1.1.2. Дисконтлаш 1.1.3. Диверсификациялаш
	1.2. Объект қуриш муддатини қисқартириш	1.2.1. Занжирий режалаштириш
2. Капиталнинг рен-табеллик даражасини ошириш (киритилган капиталнинг фойда нормаси)	2.1. Маҳсулот реализацияси рентабеллигини ошириш)	2.1.1. Тушумнинг ортиши 2.1.2. Ишлаб чиқаришда таннархнинг даражасини пасайтириш

	2.2. Асосий фондларнинг фонд қайтимини кўпайтириш	2.1.1. Тушумнинг ортиши
		2.2.2. Алоҳида олинган ускуналар, майдонлар ва ҳоказоларнинг самарали ишлатилиши
		2.2.3. Жисмоний ва маънавий эскирган воситаларни алмаштириш
	2.3. Номоддий активларнинг фонд қайтимини ошириш	2.3.1. Тушумнинг ортиши
		2.3.2. Алоҳида номоддий активлар турининг самалари ишлатилиши
		2.3.3. Эскирган номоддий активлар турини янгиларга алмаштириш
	2.4. Айланма маблағларнинг айланишини тезлаштириш	№3га қаранг
II. Айланма маблағларнинг		айланишини бошқариш
3. Айланма маблағларнинг айланишини тезлаштириш	3.1. Сотишдан пул тушуми ва бошқа пул тушумларини ошириш	3.1.1. Самарали ҳисоб-китоб усуллари
		3.1.2. Умидсиз дебиторлик қарзни пайдо бўлишига йўл қўймаслик
	3.2. Айланма маблағлар суммасини оптималлаштириш	3.2.1. Дебиторлик қарзини оптималлаштириш
		3.2.2. Материаллар ва тайёр маҳсулот захираларини оптималлаштириш
		3.2.3. Кассада ва банкдаги пул маблағлари суммаларини оптималлаштириш

Молиявий ресурсларни ташкил этиш ва бошқариш механизми уларнинг моҳиятини тушинишни, амалиётда молиявий имкониятларни бошқариш усуллари ва кўрсатмаларидан, шу жумладан молиялаштириш манбаларини шакллантириш, таҳминлар тузиш ва режалаштириш ҳамда молиявий таҳлиллардан фойдаланишни талаб этади.

Молиявий ресурслар ҳар бир корхонанинг кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш шароитларини таъминлаш ҳамда мақсад ва вазифаларини амалга ошириш учун пул жамғармалари ва бошқа молиявий ресурсларни шакллантириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланишни тақозо этади.

Корхонанинг молиявий фаолияти пул фондларини ташкил этиш ва фойдаланишда ифодаланади. Бу пул фондлари корхона хўжалик фаолиятини

олиб бориш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, илмий-тадқиқот жараёнини молиялаштириш, иқтисодий рағбатлантириш, янги техника ва технологияни жорий этиш, бюджет ва банк билан ҳисоб-китобларда ишга солинади.

Бизнеснинг молиявий-иқтисодий барқарорлигини ўрганиш, таъминлаб бориш ва тинимсиз яхшилаш зарурияти хусусий тадбиркорнинг ўз хусусий манфаатларидан ҳам тўғридан-туғри келиб чиқади. У ўз бизнесини аввало асраб қолиши, бунинг учун эса тинимсиз ривожлантириши зарур. Акс ҳолда у рақобатбардош бўла олмайди. Айниқса молиявий ресурсларини самарали бошқариш, ўз ва ташқи манбаларини туғри жалб эта олиш, дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қискартириш бўйича ишларни олиб бориш, молия бозоридаги молиявий воситаларидан, кредит, факторинг, лизинглардан барқамол ва унумли фойдаланишни билиб олиш бунинг зарур шартидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

- [1] Ўзбекистон Республикаси президентининг фармони. 2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида. <https://lex.uz/docs/5841063>
- [2] Болтабоев М.Б, Қосимова М.С. ва бошқ..Кичик бизнес ва тадбиркорлик.Т:- 2012.,274 б.,199 б.
- [3] Сирожидинов И.К., Кадирова Х.Т., Рахмонов Д.А. “Молиявий менежмент”.Тошкент: “Iqtisod-Moliya”,2020. 120-6.
- [4] Mirzaxalikov В.В. Kichik biznes sub'yektlari moliyaviy-iqtisodiy barqarorligini ta'minlash omillari va yo'nalishlari. //Машинасозлик Илмий-техника журнали. - Андижон, 2021. - № 1.- Б.119-128.